O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 64 (9.102) * 1998 йил 3 июнь, чоршанба * Сотувда эркин нархда

Махсус «Оқшом» учун

## МАРҲАБО, ЭВЕРЕСТ ҚАҲРАМОНЛАРИ!

***«Оқшом» муштарийларига шу йил 22 майда Ўзбекистон альпинистлари Эверест чўққисини забт этиб, Ўзбекистон давлат байроғини «Дунё томи»га — ер юзидаги энг баланд чўққига ўрнатиб, ўзбек халқи номини абадий ёзиб қолдирган ҳамюртларимиз ҳақида хабар берган эдик. Республикамиз Президенти Ислом Каримов довюрак альпинист спортчиларимизни бу ютуқ билан табриклаб, уларнинг эсон-омон Ватанга қайтишларини тилаган эдилар.***

Мана, ниҳоят ўша орзиқиб кутилган дамлар келди. 1998 йил, 2 июнь. Пойтахт аэропорти. Соат 14.00. Деҳлидан парвоз қилган самолётнинг қўнишига ҳали бир соат вақт бўлса-да, Ўзбекистон альпинистлар экспедициясини кутиб олишга чиққанлар жуда кўпчилик эди. Улар орасида довюрак юртдошларимизнинг қариндошлари, дўст ва биродарлари ҳам бор эди. Давлат спорт қўмитаси, шаҳар спорт қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон альпинизм федерацияси ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳам шу ерда эди. «Ёшлик» ва «Баҳор» рақс дасталарининг миллий кийимдаги қизлари сўнгги машқларни бажаришар эди. Дарҳақиқат, бу кутиш онлари бир олам ҳаяжонга тўла эди...

Мана, соат 15 дан 05 дақиқа ўтганида ИЛ-62 М самолёти Тошкент заминига келиб қўнди. Орадан 10 дақиқа ўтгач, Эверест чўққисига биринчи бўлиб чиққан Рустам Ражабов қадрдон ўзбек заминига қўлида давлатимиз байроғини ушлаган ҳолда қадам қўйди. Кейин эса экспедициянинг барча аъзолари тушиб келишди.

Спортчиларни бу ерга тўпланганлар азиз меҳмонлардек, карнай ва сурнай садолари остида анвойи гуллар билан кутиб олдилар.

Ҳа, альпинистларимиз ҳақиқатан ҳам жасорат кўрсатишди. 11 кишидан иборат тўла таркибда чўққини забт этган қаҳрамонлар Рустам Ражабов, Олег Григорьев, Алексей Докукин, Сергей Соколов, Ханиф Балмагамбетов, Илёс Тухфатуллин, Андрей Фёдоров, Марат Усаев, Роман Мац, Андрей Заикин ва Светлана Баскаковалар мустақил юртимиз довруғини яна бир бор оламга ёйдилар.

Альпинистларнинг она юртларига қайтиб келишига бағишланган митингда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг раиси Дилбар Жаҳонгирова, АҚШнинг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили жаноб Жозеф Лимпрехт, спорт фахрийси Пётр Карпов, республика Давлат спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситовлар альпинистларни Ватанимизга қайтиб келиши билан қизғин муборакбод этдилар.

Тантанали кутиб олиш маросимидан сўнг «Оқшом» мухбири экспедиция қатнашчиларидан бири Ханиф Балмагамбетовга савол билан мурожаат қилди.

— Ханиф, мана ниҳоят ғалаба билан уйга қайтдингиз. Дастлабки таассуротларингиз қандай?

— Биз самолётга чиққан чоғимиздаёқ ўзимизни уйимиздагидек ҳис қила бошладик. Дарров бир чойнак чой ва ёпган нон олиб келишларини илтимос қилдик. Уйга қайтиш, қадрдонлар ва дўстлар билан учрашиш қувончи нақадар ажойиб эканлигини айтмай қўяқолай...

Ҳа, биргина Ханиф эмас, балки альпинистларнинг ҳаммасининг қалбида ана шундай қувонч ва ифтихор туйғулари зоҳир эди...

*Хондамир СОЛИҲОВ.*

*СУРАТЛАРДА: Эверест қаҳрамонларини кутиб олиш пайти.*

*Рўстам Шарипов олган суратлар.*






Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатларининг сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Республика Қонунининг 11, 12 ва 45-моддаларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси**
**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
**Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатларининг сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:**

**28-Чинобод сайлов округи**

**КОМИССИЯ РАИСИ**

**Сагдуллаев Юрий Сагдуллаевич** — Тошкент электротехника алоқа институти ректори вазифасини бажарувчи

**РАИС ЎРИНБОСАРИ**

**Иноғомов Акбар Муслимович** — «Юлдуз» акционерлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари

**КОМИССИЯ КОТИБИ**

**Муҳамедова Феруза Хувайдуллаевна** — 117-мактаб директори

**КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:**

**Акмирзаев Рихсибой Хусанбоевич** — 3-бизнес мактаб директори

**Аҳмедбекова Маргарита Пўлатбековна** — «Соғлом авлод учун» жамғармаси Юнусобод туман бўлимининг раиси

**Комолов Мухсиддин** — «Нуроний» жамғармаси Юнусобод туман бўлими раиси

**Курепина Светлана Исхаковна** — Юнусобод тумани халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси

**Мирнизомутдинов Фахруддин Миршахбозитдинович** — «Сумбула-нон» жамоа корхонаси директори

**Шокирова Клара** — 272-мактаб директори.

*Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари Ч. МУҚИМОВ.*
*Марказий сайлов комиссиясининг Котиби А. АНОРҚУЛОВ.*

Тошкент шаҳри,
1998 йил 2 июнь.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

**50-Мирзо Юсуф сайлов округида бўшаб қолган ўринга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатининг сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида**

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12 ва 44-моддаларига мувофиқ,
ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. 50-Мирзо Юсуф сайлов округида бўшаб қолган ўринга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатининг сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси қуйидаги таркибда тузилсин:

**Комиссия раиси:**

**Сайфуллаев Абдумажид** — «Ўзбекқишлоқмаш» АЖ тиббиёт санитария қисми бош шифокори

**Раис ўринбосари:**

**Гариб Феруз Юсупович** — Тошкент Вакцина ва зардоблар илмий-текшириш институти директори

**Комиссия котиби:**

**Демчук Алла Федоровна** — 21-болалар уйи директори

**Комиссия аъзолари:**

**Айдаров Рустам Камбарович** — Санитария тозалик Дирекцияси директорининг ўринбосари

**Исмоилов Собитжон Қўчқорович** — Тошкент телефон тармоғи марказий филиали директорининг ўринбосари

**Каримова Сайёра Зайнутдиновна** — 12-болалар поликлиникаси бош шифокори

**Муровцев Николай Викторович** — Марказий лабораторияси бошлиғи

**Ғоибов Ғайрат Нуритдинович** — «Бодомзор» фуқаролар йиғинининг раиси

**Ғоипов Баҳодир Ботирович** — Юнусобод тумани ёшларнинг «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси

Теннис

## ЧЕЛЛЕНЖЕР МУСОБАҚАСИ ҲАЯЖОНЛАРИ

***Куни кеча «Динамо» теннис клуби кортларида Челленжер халқаро учинчи турнирининг тантанали очилиш маросими бўлди.***

Жаҳоннинг 29 мамлакатидан ушбу мусобақага ташриф буюрган теннисчи спортчиларни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Адҳамжон Миржалилов, Ўзбекистон Республикаси давлат спорт қўмитасининг раиси Баҳодир Махситов ва ITP Ltd фирмасининг вакили, Президент Кубоги ва Челленжер турнири асосчиси Сассон Какшурининг ўғли Алон Какшурилар табрикладилар.

— Бугун биз меҳмондўст Ўзбекистон заминида дунёнинг энг яхши теннисчиларини муборакбод этаётганимиздан бахтиёрмиз, — деди ўзининг табрик сўзида Адҳамжон Миржалилов. — Бизнинг шаҳримиз ҳар доим йирик спорт тадбирлари ўтказиш маскани бўлиб келган. Ўйлайманки, бу галги мусобақалар ҳам унинг барча қатнашчилари учун муваффақиятли бўлади.

Челленжер мусобақаларининг тантанали очилиши олдидан икки кун давомида саралаш ўйинлари бўлиб ўтди. Ана шу мусобақалардан сўнг Тошкент аёллар Челленжер турнирининг якка ва жуфтликлар ўртасида асосий беллашувлари бошланди. Шуни таъкидлаш керакки, 50 минг АҚШ доллари ҳажмидаги мукофот жамғармасига эга турнирда жами 22 мамлакатдан ташриф буюрган катта ракетка усталари ўзаро куч синашмоқдалар. Булар орасида Екатерина Сисоева (Россия), Татьяна Ковальчук (Украина), Натали Кахана (Исроил) ва Елена Крутко (Латвия)лар бўлиб, улар турнирнинг асосий мусобақаларини бошладилар. Шу ракетка усталари ғолибларини кейинги ўйинларда япониялик Харука Инуе, америкалик Мейнан Шогнесси, австралиялик Анабель Эллвуд ва бошқа кўплаб теннисчилар кутмоқдалар. Шунингдек, ушбу мусобақада қатнашишга Ирода Тўлаганова, Лилия Биктякова ва Наталья Никитина сингари бизнинг ҳамюртларимиз ҳам таклифнома олишган. Ишқибозларимиз ва теннис шайдолари бизнинг спортчиларимизнинг ҳам донгдор ракетка усталари билан муносиб беллашиб, турнирда яхши ўринларни эгаллашларига умид қиладилар.

*(Ўз мухбиримиз)*

*СУРАТЛАРДА: Челленжер аёллар учинчи халқаро мусобақаси очилишидан лавҳалар.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*







## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг Экспорт-Импорт банки президенти ҳамда бошқаруви раиси Жеймс Ҳармонни қабул қилди. Суҳбат чоғида мавжуд лойиҳаларнинг бажарилиш жараёни, янгиларини амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди, ўзаро ҳамкорликнинг истиқболдаги устувор йўналишлари хусусида фикр алмашилди.
- Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШнинг Экспорт-Импорт банки делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюриб Бош вазир Ўткир Султонов билан учрашдилар. Улар шунингдек, республиканинг бир қатор вазирликлари ва идораларида бўлдилар, банкирлар билан, мамлакатимизнинг амалий иш доиралари вакиллари билан учрашдилар.
- Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов Ўзбекистонга ташриф буюрган ЕХҲТнинг кам сонли миллатлар ишлари бўйича Олий комиссари Макс ван дер Стул жанобларини қабул қилди.
- Бухоро вилояти «кумуш тола» ижодкорлари 2025 тонна пилла топшириб, шартнома режасини ортиғи билан бажардилар.
- Тошкентда бошланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ички ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон ички ишлар вазири Зокиржон Алматов МДҲ мамлакатлари ички ишлар вазирлари кенгашининг раиси этиб сайланди. Бу Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш борасида амалга ошираётган ишларининг Ҳамдўстлик миқёсида эътироф этилишидир.
- Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг йиғилишида Самарқанд вилоятида «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги ҳамда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунларнинг ижроси ҳақидаги масала кўриб чиқилди.
- Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳазратлари мақбараларига яқин жойда термизийлар музейи қурилиши бошланди.
- Самарқандда «Ғалла мустақиллиги ва уруғчилик» мавзуида минтақавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди.
- Олмалиқдаги маиший кимё заводи «Универсал» ва «Алома» деб аталувчи янги кир ювиш воситалари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу маҳсулотлар замонавий технология асосида ишлаб чиқарилмоқда, улар хорижда тайёрланган маҳсулотлардан асло қолишмайди.
- «Қизил тонг» ҳиссадорлик жамиятида Халқ таълими вазирлиги буюртмасига кўра кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синф ўқувчилари учун камзуллар тикиш йўлга қўйилди. Жами 14 бичимдаги 80 минг дона камзулни тикиш кўзда тутилган.
- Сурхондарё вилояти болалари ажойиб совғага эга бўлдилар. Термизда «Оймома» болалар боғи очилди.

### ЖАҲОНДА

- Колумбияда президентлик сайловларининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Бу гал номзодлар рўйхатида ҳозирги президент Эрнесто Санперо маъмуриятидаги ички ишлар вазири Хорасио Серпа бошчилик қилмоқда.
- АҚШ Президенти Билл Клинтон Россия ҳукуматининг 1998 йилги дастури тўғрисида ижобий фикр билдирди ва Москвага Халқаро валюта фонди йўли билан 670 миллион доллар ажратилишини айтди.
- Япония ҳукумати Қирғизистонга республиканинг жанубий вилоятида кучли сув тошқини асоратларини бартараф этишга сарфлаш мақсадида 50 минг АҚШ доллари миқдорида инсонпарварлик ёрдами беришга қарор қилди.
- Покистонлик физиклар Покистонда 700 километр узоқликка учадиган ракеталар борлигини хабар қилдилар.
- Бугун Брюсселда фавқулодда вазиятлар бўйича Евро-Атлантика маркази очилади.
- Женевада ҳар йилги Халқаро меҳнат ташкилотининг мажлиси ўз ишини бошлади.
- Кеча Бокуда «Каспий—98» деб аталувчи анъанавий халқаро кўргазма очилди.
- Владикавказда Жанубий Осетия Бош вазири ўринбосари В. Хубулов ва россиялик тадбиркор С. Зленконинг отиб ташланиши иши юзасидан тергов ишлари бошланди.
- Женевада беш мамлакат — БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтмоқда. У Покистон ва Ҳиндистоннинг ядро синовларига қарши қаратилган.
- Ҳиндистон ҳарбий ҳаражатларини ўн тўрт фоиз оширганлигини эълон қилди.
- Ливия билан Германия ўртасида иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.
- Афғонистонда юз берган кучли ер силкиниши оқибатида камида 5 минг кишининг ёстиғи қуриди. 70 дан зиёд қишлоқ бутунлай вайрон бўлди. Рихтер ўлчови бўйича 7 баллни ташкил этган зилзила оқибатида нобуд бўлган 3 минг киши Афғонистон шимолида дафн этилди.

## ОБУНА — ЙИЛ БЎЙИ



Маълумки, ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар Сиз «Тошкент оқшоми»га ёзилишингиз ва уни шундан кейинги ойдан бошлаб олишингиз мумкин. Демак, «Оқшом»ни йилнинг иккинчи ярми давомида олиш иштиёқида бўлсангиз, Сиз унга обунани 10 июнга қадар расмийлаштиришингиз керак.

Яна шуни ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, «Тошкент оқшоми» газетаси чакана савдога жуда ҳам чекланган миқдорда чиқарилади. Унинг обуна нархлари Тошкент шаҳрида яшовчилар учун қуйидагича:

| Абонент қутисига | Уй манзилига |
|---|---|
| • 1 ойга — 129 сўм | • 1 ойга — 168 сўм |
| • 3 ойга — 387 сўм | • 3 ойга — 504 сўм |
| • 6 ойга — 774 сўм | • 6 ойга — 1008 сўм |

**НАШР ИНДЕКСИ — 209.**

Эътироф

# МУСТАҚИЛЛИК НЕЪМАТИ

***Мустақиллик — буюк неъмат... Атиги олти йил ичида Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ислоҳотлар натижасидаги янгиланиш ва ўзгаришлар кўламини тасаввур этиш учун кечаги кунимизни кўз олдимизга келтириш зарур. Ўшанда бизлар ким эдик? Дунёда Ўзбекистонни ким биларди? Тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз қай аҳволда эди? Болаларимиз чет элда ўқиб ёки халқаро мусобақаларда қатнашармиди?***

Бизнинг ер ости бойликларимиз 33 триллион АҚШ долларидан ортиқ баҳоланмоқда. Республикамиз олтин заҳиралари бўйича дунёда тўртинчи, пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича ҳам тўртинчи, уни экспорт қилиш бўйича иккинчи, мис заҳиралари бўйича 10—11-ўринларда туришини ким аввал билар эди? Президентимиз И. А. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобларида айтганларидек: «Ўтган даврнинг ҳар бир йили аҳамияти жиҳатидан тарихимизнинг ўн йилликларга, ҳатто асрларга тенглаштиришимиз мумкин десак муболаға бўлмайди». Дарҳақиқат, Мустақилликнинг эълон қилиниши, Конституциянинг қабул қилиниши, БМТга аъзо бўлиш, миллий валютанинг жорий этилиши, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ташқи иқтисодий фаолият фаоллашиши, мўмин-мусулмонларнинг муқаддас маконларни зиёрат қилиши, «Камолот», «Умид», «Устоз» жамғармаларининг ташкил қилиниши, ташқи сиёсатимизда тенглар орасида тенг бўлиш, «катта оға»нинг қош-қовоғига қараб иш тутишдан узил-кесил ва абадул абад халос бўлиш — буларнинг барчаси мустақиллик неъматларидандир.

Ватанимиз мустақиллигини қанча-

- 1 -

дан-қанча ота-боболаримиз орзу қилишмади? Ўзбекистон пахтаси, олтини ва бошқа бойликлари қаёққа кетишини билмас эдик. Техника, технология, халқ истеъмол молларини олиш учун Марказга неча марталаб «қуллуқ» қилар эдик. Шунинг учун ҳам бугун давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари Ватанимиз, халқимизнинг манфаатлари ҳамда тарихий, иқтисодий, маданий, миллий ва диний анъаналаримизни сақлаш ва ривожлантиришдир.

Яккаҳокимлик тизими шароитида Ўзбекистон кўп йиллар давомида халқаро майдонга тўғридан-тўғри чиқиш имкониятидан маҳрум эди. Мустақиллик шарофати ила бугунги кунда икки юздан кўпроқ давлат Ватанимизни тан олди. Тарихда илк бор Ўзбекистон байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳилпираб турибди.

Ҳаммамизга маълумки, чет эллик ишбилармонлар центни бекорга бермайдилар, табиий, улар ўз манфаатини ўйлайдилар. Хўш, Ўзбекистонда катта лойиҳалар амалга оширилишига нима асос бўлади? Халқаро алоқаларда Ватан манфаатларига устуворлик бериш учун республикамизда нималар қилиняпти?

Ватанимиз мустақилликка эришгандан буён собиқ Иттифоқ республикаларига нисбатан самарали иқтисодий ривожланиш йўлидан бормоқда. Масалан, биргина хусусийлаштириш жараёнини олиб кўрайлик. Бугун инвестиция фондлари бир неча юзлаб корхоналардан акцияларнинг камида ўттиз фоизини олади ва бу билан тадбиркорликка янги маблағларни жалб қилади. Самарали банк тизимини яратиш, банк ишлари соҳасида миллий банк-

- 2 -

нинг монополиячилик қилишига барҳам бериш мақсадида бир неча молиявий муассасалар тузилди. Умуман, Ватанимизда ислоҳотлар тўғри йўлдан олиб борилмоқда ва халқаро лойиҳаларнинг амалга оширилиши иқтисодимиз ривожланишига хизмат қилмоқда. Чет эллик инвесторларнинг машинасозлик тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, саноат мажмуини молиявий таъминлашга бўлган қизиқишлари кун сайин ортмоқда. Барча халқаро алоқалар, хорижий инвестициялар Ўзбекистон иқтисодиётини кўтаришга, қўшимча ишчи ўринларини яратишга қаратилган.

Янги авлодни шакллантириш бугуннинг энг муҳим вазифаси бўлиб, «Умид», «Устоз» жамғармалари айни шу орзу-умидларни рўёбга оширишга қаратилган, келажакни яратувчи ёшлар учун ҳозирданоқ замин яратилмоқда. Иқтидорли ёшларимиз «Умид» жамғармаси йўлланмаси билан хориждаги энг нуфузли ўқув юртларида таҳсил олмоқдалар.

Мустақиллик даврида асил (маданий ўзига хослик) ва инфитоҳ (очиқ эшиклар) тарафдорлари орасида баҳс олиб борилади. Бу йўналишда икки ҳаддан зиёд кўринишдан эҳтиёт бўлиш керак. Бири — мутаассибликка келтирувчи исломий қадриятларга берилиш. Иккинчиси — Ғарб моделларини кўр-кўрона қабул қилиш. Ҳар бир миллат ва давлатнинг ўз анъаналари ва тараққиёт йўли борлигини унутмаслик керак. Йўлбошчимиз Ислом Каримов айтганларидек: «Биз ислом фундаментализмига ҳам оғмаймиз, коммунизмга ҳам қайтмаймиз».

Инсон эркини ўз қўлига берган ҳозирги дунёвий жамият инсон маънавиятининг камол топиши ва тўла рўёбга оширилишига ёрдам беради. Ҳа, буларнинг бари Мустақиллик шарофати ила рўёбга чиқяпти. Мустақиллик — буюк неъмат!

*Гулноза КАРОМАТОВА,*
*Тошкент Давлат университети хорижий филология факультетининг 4-курс талабаси, Навоий стипендианти.*

- 3 -

1998 — Оила йили




Танловлар

# БАХТГА ТЎЛА ХОНАДОН

***1998 — Оила йили, деб эълон қилиниши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокими фармойишига кўра оиланинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-аҳлоқий асосларини ривожлантириш ҳамда уни мустаҳкамлаш мақсадида шаҳримизда яшовчи оилаларнинг «Бахтли оила» кўрик-танлови барча туман ва маҳаллаларда ўтказилмоқда.***



Марказий зобитлар уйининг маданият саройида «Бахтли оила» кўрик-танловининг Юнусобод тумани бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди. Уни туман ҳокими Шукритдин Пахрутдинов очиб, танлов иштирокчиларига муваффақият тилади.

Унда мазкур танловнинг 1 ва 2-босқичларида ғолиб чиққан маҳаллаларнинг қирқ ва ундан ортиқ йил биргаликда турмуш қурган, тўрт ва ундан ортиқ фарзандни жисмонан соғлом, маънан баркамол вояга етказган, уларни уйли-жойли қилган, маҳалла ва жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб келаётган одобли, ибратли, обрў-эътиборли пиру бадавлат оилалар иштирок этдилар. Танлов шартлари бўйича билим ва маҳоратларини Тошкент шаҳар адлия бошқармаси «Никоҳ ва оила маросимлари» маркази директори Марҳамат Йўлдошева раислигида ҳайъат аъзолари баҳолаб боришди.

Кўрик-танловда тумандаги «Матонат», «Обод», «Туркистон», «Отчопар-1», Мансурхўжа ва «Ўзбекистон Мустақиллиги» маҳаллалари танловнинг «Оила ташрифи ёки уй вазифаси», «Бадиий чиқиш» шартлари бўйича беллашиб, ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Шу куни саҳнада Абдулла Қодирий ва Мукаррама Турғунбоева номли маданият уйларининг хушовоз хонанда ва маҳоратли рақкосалари ўз чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этдилар.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра «Отчопар-1» маҳалласида истиқомат қилувчи Абдувосиқ ота ва Ҳикоят ая Носировлар оиласи «Бахтли оила» кўрик-танловининг туман босқичи бўйича ғолиби деб топилди ва 1-даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Иккинчи мукофот Тоҳир ота ва Инобат ая Саъдиевлар («Обод» маҳалласи) ҳамда Обиджон ака ва Туйғуной опа Ниёзметовлар («Матонат» маҳалласи) оиласига насиб этди. Ғолиблар 2-даражали диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Сафар ота ва Азиза ая Мадиёровлар («Туркистон» маҳалласи) оиласи учинчи ўринга лойиқ деб топилиб, танловнинг 3-даражали дипломи топширилди.

Танлов ҳомийлари — «Маҳалла», «Наврўз», «Соғлом авлод учун», «Олтин мерос», «Болалар» ва «Камолот» жамғармаларининг туман бўлимлари ғолибларига ўз совғаларини топширишди.

«Бахтли оила» кўрик-танловида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова иштирок этди.

Биз фурсатдан фойдаланиб кўрик-танлов ташкилотлари ҳамда иштирокчилар билан суҳбатда бўлдик:

**• Музаффар ЖАЪФАРОВ, Юнусобод тумани ҳокимлигининг бош мутахассиси:**

— Танловни ўтказишдан мақсад оилага эътиборни кучайтириш, унинг муаммолари сабабини англаш, оқилона ечимлар излашдир. Тан олишимиз керакки, бугунги кунда одамларимизнинг оилага бўлган муносабатлари ота-боболаримизнинг бу борадаги қарашларидан бироз фарқ қилади.

Ўзингиз гувоҳ бўлдингиз, танловда оиланинг моддий, маънавий-ижтимоий жиҳатлари қамраб олинган. Бугунги беллашувда намунали оила қандай бўлиши керак, бахтли оила барпо этиш учун нималарга эътибор бериш лозимлиги борасида халқимизнинг кўп йиллик тажрибаси намойиш этилди.

**• Абдувосиқ ота НОСИРОВ, танлов ғолиби:**

— Оилани Ватан ичидаги кичик Ватан деймиз. Оила тинч ва осойишта бўлса давлат ва юрт фаровон бўлади. Яратганга шукрлар бўлсинки, осмонимиз тинч, дастурхонимиз тўкин. Мустақиллик шарофати билан оиламизнинг бугунгидай танловда иштирок этишининг ўзи бир бахт! Маҳалла-кўй, қариндош-уруғ, туман аҳли олдида юзимиз ёруғ бўлди.

*Маъмура РЎЗИЕВА.*

*СУРАТЛАРДА: «Бахтли оила» кўрик-танловининг Юнусобод тумани бўйича якуний босқичидан лавҳалар.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*





Саноат

# ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

***«Ёғмойтамакисаноат» уюшмасида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида муайян ишлар амалга оширияпти. Жамоатчи мухбиримиз ана шу уюшманинг бўлим бошлиғи, техника фанлари доктори, профессор Нўъмонжон Эгамбердиевдан шу ҳақда сўзлаб беришни сўради.***

**— Нўъмонжон ака, сиз ҳам етук мутахассис, ҳам олимсиз. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтингчи, бозорларни тез ва арзон, рақобатбардош озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари билан кўпроқ таъминлаш муаммосини ҳал этиш борасида уюшмада қандай ишлар қилиняпти?**

— «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси корхоналари қошида ноанъанавий озиқ-овқат ва ноозиқ овқат халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни ривожлантириш иши кенг йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда кичик корхоналаримизда 40 дан зиёд турдаги товарлар ишлаб чиқарилиб, савдо нуқталарида сотилмоқда. Цех ва кичик корхоналарда қўшимча янги иш ўринлари очиш, 2000 йилга бориб эса бу муаммоларни тўла бартараф этиш чора-тадбирлари режалаштирилган. Кичик корхоналарнинг айримлари ҳиссадорлик жамиятларининг қишлоқлар ҳудудларидаги филиаллари ҳисобланиб, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга, истеъмол маҳсулотлари кўпайишига кўмаклашмоқда. Масалан, «Урганчёғмой» ҳиссадорлик жамиятининг Ҳазорасп туманидаги филиалида маъданли сув, пиво, лимонад, «Қаршиёғэкстракция»нинг Шаҳрисабздаги филиали «Қарши» доривор минерал суви, Алимкентдаги «Акмал» фирмаси эса аҳолини ёғ билан таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

**— Жойлардаги тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари — озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари сифатлилик даражасига, қадоқлаш ва реклама қилишга ҳам алоҳида эътибор берилаётган бўлса керак?**

— Албатта. Уюшмамиз ҳиссадорлик жамиятлари кичик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли моллари турлари кўпайтирилишига ҳамда уларни сифатли қилиб қадоқланишида жаҳон андозалари талаблари эътиборга олиняпти.

**— Ёғ маҳсулоти чиқитларидан ҳам халқ хўжалиги учун фойдали бўлган олиф-оксоль, суюқсовун, техник шампунь ишлаб чиқариш йўлга қўйилаётган экан, шундайми?**

— Тўғри, фақат бугина эмас. Ҳозирги кун талаби тадбиркорлик билан иш юритишни тақозо этмоқда. Масалан, олиф-оксоль нафақат шаҳримизда, балки республикамиз кўплаб «Ёғмой» ҳиссадорлик жамиятларида ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш анча барқарорлашди. Энди четдан келаётган турли хил чиройли этикеткали, сертификати, сифати, таркиби номаълум, сақлаш муддати ўтган импорт маҳсулотларининг бозорларимизга кириб келиши ҳам анча камайди. Бу эса маҳаллий маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларнинг ошишига олиб келди.

Маҳаллий хом ашёлар, витаминлар, оқсил, углеводларга бойлиги, экологик тозалиги, калорияси баландлиги, табиий ранг, ҳид, мазали эканлигига қарамай, талабнинг юқори эмаслигига биринчи сабаб — реклама сифатининг пастлигидир. Қадоқлашда чиройли этикеткалар йўқлиги харидорларни ранжитмоқда.

**— Ана шу мавжуд муаммоларни бартараф этишда хорижий мамлакатлар, жумладан, Германия, Франция давлатлари билан ҳамкорлик қандай бўляпти? Шу ҳақда ҳам гапириб берсангиз.**

— Куни кеча биз «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасидан 3-4 нафар мутахассис Германиядаги Лейпциг шаҳрида ўтказилган ярмаркада иштирок этиб келдик. Бу ерда чиройли этикеткалар, чиройли қадоқланган, жаҳон андозаларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган турли хил жиҳозлар ишлаб чиқарувчи кўплаб фирмалар ва компаниялар билан контрактлар тузиб қайтдик. Келгусида биз ҳам ўзимизда ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида иш олиб бормоқдамиз. Бу муаммоларни бартараф этиш борасида Германиянинг «Лурге», «Скет», Американинг «Карвер», Англиянинг «Краун», Бельгиянинг «Дисмет», Италиянинг «Мацони» сингари фирмалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Италиянинг «Мацони» фирмаси ускуналари ва технологияси «Фарғонаёғэкстракция»да ишга туширилса, сифатли, хушбўй атир совунлари билан нафақат республикамиз аҳолисини, балки Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига ҳам экспорт қилиш имкониятига эга бўлинади.

Хуллас, ҳозирги кунда «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасига қарашли жойлардаги корхоналарда амалга оширилаётган ишлар кўлами ниҳоятда катта. Айниқса, чет эл фирмалари билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор берилаётгани ҳам таҳсинга лойиқ ишлардандир.

*Суҳбатдош Мирзаали АКБАРОВ.*

Анжуманлар

# МАҲАЛЛАДА ДАВРА СУҲБАТИ

***Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази ва Юнусобод туман ҳокимлиги Оқтепа маҳалласи билан ҳамкорликда шу маҳаллада «Оила — муқаддас Ватан» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.***

Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари, шоир ва санъаткорлар, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар бугун ўзбек оилаларида тарбиявий ишларни қандай олиб бориш кераклиги ва бу борада яна нималарга эътибор берилиши тўғрисида фикр юритдилар. Сўнгра шеър ва қўшиқлар янграб, тадбир қатнашчилари қалбига завқ бағишлади.

— Бундай тадбирларнинг ўтказилиши биринчидан, оилаларнинг иноқлигини таъминласа, иккинчидан, шу маҳалладаги ибратли оилаларни бошқаларга тарғиб қилишда яхши натижа беради, — деди Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика маркази директори ўринбосари Ўткир Тоҳиров. — Биз Оила йили муносабати билан бундай тадбирларни республикамизнинг кўпгина жойларида ўтказишни режалаштирганмиз. Оила жамиятнинг асосий негизи ҳисобланар экан, келажак авлодни ҳам жамиятга оила тарбиялайди ва етказиб беради. Шундай экан оила ҳар қандай жамиятда муқаддас бўлиб қолади.

*Очил ҲАЗРАТОВ.*

Текширувда аниқланди

# СОЛИҚЛАР САЛМОҒИ НЕГА КАМ?

## ёки қонунчиликка риоя қилмаётган ҳайдовчилар

***Ҳозирги кунда шаҳар кўчаларида турнақатор ҳаракатланаётган автоташувчилар доимий хизматда. Лекин улар топаётган даромад республикамиз хазинасига қандай наф келтираётир?***

Статистика маълумотларига мурожаат қилсак, ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида хусусий ва ижарага олинган юк автомашиналари ҳамда автобусларда аҳолига пуллик хизмат кўрсатаётган фуқароларнинг сони 1000 нафарга яқин экан. Булар расмий равишда давлат солиқ инспекцияларида рўйхатга олинган ҳолда хизмат кўрсатаётганлари. Бироқ, кузатувлар шуни кўрсатаяптики, тегишли рухсатнома ва бошқа ҳужжатларсиз шахсий автомашиналарда даромад топаётганлар 5 минг нафардан ортиқ. Шу ҳолатни эътиборга олган ҳолда ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 октябрдаги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 1997 йил 14 январдаги ва 1998 йил 22 апрелдаги шу масала бўйича назоратни кучайтириш мақсадида қабул қилган қарорларини турмушга татбиқ этиш учун Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармаси пойтахт ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб аҳолига автотранспортларда юк ва йўловчи ташиб хизмат кўрсатаётган фуқаролар томонидан юқорида келтирилган қонун талабларини бажармаётган автотранспорт воситаси эгаларини аниқлаш ва тегишли чоралар кўриш мақсадида Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармаси, «Тошшаҳарйўловчитранс» ва «Ўзавтолицензия» ташкилотлари билан ҳамкорликда кенг миқёсда тадбирлар ўтказмоқда.

Ўтказилган текширувлар натижасида кўпгина қонунбузарликларга дуч келинди. Хусусан, 6 май куни Тошкент шаҳрининг 9 та туманларида рейд ўтказилди. Афсус билан айтиш жоизки, текширишга улгурилган автоташувчиларнинг аксарият қисми тегишли рухсатномасиз ва бошқа солиққа оид ҳужжатларсиз хизмат кўрсатиб даромад топаётгани аён бўлди. Шу куни ноқонуний йўл билан автотранспорт воситасида даромад топаётган 211 нафар фуқаролар тегишли далолатномалар билан қайд қилинди ва моддий жаримага тортилди.

Масалан, жами текширилган автотранспорт эгаларининг 45 нафарида автоташув рухсатномаси йўқлиги аниқланди. Бундай махсус лицензиясида транспорт воситаларидан фойдаланиб даромад топаётганлардан Шайхонтоҳур туманида 19 таси, Чилонзор туманида 8 таси, С.Раҳимов туманида 7 таси ва А.Икромов туманида 6 таси аниқланиб тегишли айбномалар расмийлаштирилди.

Автоташувчилик билан шуғулланаётган фуқароларнинг 59 нафари фойдаланаётган автомашиналарининг солиғини тўламаганлиги маълум бўлди. Шайхонтоҳур туманида текширилган 31 та автомашина эгаларининг 27 таси, М.Улуғбек туманида эса 43 тадан 13 таси транспорт солиғини тўламаган.

Маълумки, автотранспорт хизмати кўрсатиб даромад топиш учун албатта Давлат солиқ хизмати идорасидан махсус гувоҳнома олинган бўлиши зарур. Текширув ўтказилган куни жами текширилган 211 нафар тадбиркор фуқароларнинг 22.7 фоизида, яъни 48 нафарида ана шундай ҳужжатлар йўқ эди. Ҳужжатсиз автоташув билан шуғулланувчиларнинг 16 таси Шайхонтоҳур туманида, 13 таси Чилонзор туманида ва қолган туманларда 2—6 тадан қайд этилди. Ҳужжатсиз тадбиркорлик билан шуғулланиб автотранспортда даромад топаётганларнинг 20 нафари Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик кодексининг 176-моддасининг 1-бандига биноан шу куннинг ўзида ҳар бири 3750 сўмгача миқдорда жаримага тортилиб, давлат бюджетига жами 63000 сўм даромад туширилди. Қолган қонунбузарларнинг ишлари бўйича суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Юқорида тилга олинган қонунбузарликларни содир этаётган хусусий тадбиркорлар бу иш билан биринчи марта шуғулланаётганлари йўқ. Улар тажрибали, кўпдан бери бу даромад манбаидан фойдаланиб келган шахслар. Мана улардан айримлари: Рустам Эргашев (Сирғали туманида яшайди), давлат рақами 10F 1278 бўлган «РАФ-2203» шахсий автомашинасида, Аҳмад Неъматов (Юнусобод туманида яшайди) 10С 7916 давлат рақамли шахсий «РАФ» автомашинасида, Содир Душанов (С.Раҳимов туманида яшайди), давлат рақами Р. 5520 ТШ бўлган «УАЗ» шахсий автомашинасида, Зикрилла Сотволдиев (Бўстонлиқ туманида яшайди) 10В 9302 давлат рақамли «ЗИЛ-130» автомашинасида, М.Файзиев (Тошкент туманида яшайди) Ц 0623 ТН давлат рақамли «КАВЗ 685» автомашинасида ва Л.Мирхўжаев (Тошкент вилоятининг Охунбобоев жамоа хўжалигида яшайди) 11В 1136 давлат рақамли «КамАЗ-55111» шахсий автомашинасида ҳеч қандай ҳужжатсиз автоташув хизматини кўрсатиб бемалол даромад топиб юришибди. Нима учун уларнинг «мушугини ҳеч ким пишт» демаган? Текширувда аниқланган бу қонунбузар шахслар 2250 сўмдан 3750 сўмгача жаримага тортилди.

Биз юқорида фақатгина бир кунда ўтказилган текширув натижаларини шарҳладик, холос. Мутахассисларнинг кузатувига биноан ҳар куни шаҳримизга атроф ҳудудлардан 2000 дан ортиқ автотранспорт воситалари кириб-чиқиб кетар экан. Уларнинг ҳам кўпчилигида лицензия-рухсатнома йўқ. Бундан ташқари қалбаки лицензия билан аҳолига хизмат кўрсатиб юрганлари ҳам учраб турибди. Ўз-ўзидан маълумки, улар солиқ тўлашдан бош тортиб мўмай даромад топаяптилар.

Хўш, булар қонунда 1997 йилнинг 1 ноябридан бошлаб белгиланганидек, фуқаролар томонидан автотранспортларда йўловчи ва юк ташиш хизмати билан фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 майдаги «Транспорт ва алоқа соҳасидаги фаолиятларни лицензиялаш ҳақидаги Низом»да белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланиш лозимлигини билишмайдими? Солиқ органларида рўйхатдан ўтмаган ҳолда солиқ тўлашдан бўйин товлаганлар энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида, яъни 3750 сўмга жаримага тортилишларини-чи? Афтидан қонунда белгиланган бу жарималар қонун бузувчи бу тадбиркор фуқароларни чўчитмаётган ёки назорат жавобгарлиги юклатилган мутасаддилар бу масалага етарли даражада ёндошмаётган кўринади.

*Абдуқаҳҳор ҚОДИРОВ,*
*Тошпўлат МИРЗАЕВ,*
*Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармаси ходимлари.*



1998 — Оила йили

# ҒАЛАБАГА ИНТИЛГАН ТУЙҒУЛАР

**Аввал хабар берганимиздек, Шайхонтоҳур туманидаги 169-мактабда Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни муносабати билан спортнинг хилма-хил турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.**

— Ушбу тадбир «Мактаб, отам, онам, мен ва менинг маҳаллам» шиори остида ўтмоқда, — деди мактаб директори Козим Аъзамов. — Театрлаштирилган, байрамга айланиб ўтадиган спорт ўйинларида мактабимиз ён-атрофида маҳалла болалари ва катталар иштирок этишади. Бунда ҳар бир маҳалла ўз жамоаси билан иштирок этади. Совринларимиз ҳам қимматли ва у барча учундир.



Мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, фахрий педагог Гигант Ғиёсов ёшларнинг севимли устозидир. Уни нафақат мактабда, балки маҳаллаларда ҳам яхши таниб, ҳурмат билан «Спорт ота» дейишади.

— Гигант Ғиёсов бу номга лойиқ, — деди туман ҳокимлигининг спорт бўлими мудири З. Ибодуллин. — У ҳукуматимиз мукофотлари билан тақдирланган, республикада хизмат кўрсатган мураббий, «Халқ таълими фидойиси» номларига сазовор бўлган. У болалар билан ишлашни яхши билади, ҳатто тарбияси оғир болалар билан ҳам тил топиша олади, уларни спортга жалб эта билади. Шундан бўлса керак, мактаб жамоасининг маҳалла билан ҳамкорликдаги иши туфайли ушбу ҳудуддан бирорта ҳам бола вояга етмаганлар билан ишлаш инспекциясида ҳисобда турмайди. Ушбу тадбир ҳам Оила йили тадбирлари режасига кириб, оила аъзоларини спорт мусобақалари орқали соғломлаштиришга қаратилган, Шайхонтоҳур туманида бундай тадбирни 169-мактаб бошлади. Бунда Ҳувайдо маҳалласининг ҳам ҳиссаси бор.

Спорт байрами тантанали равишда очилди. Мусобақаларни биринчи бўлиб шашкачи ва шахматчилар бошлашди. Сўнгра майдонга маҳаллалар номидан Ҳувайдо ва «Бўстон» маҳаллаларининг футбол жамоалари тушдилар. Аммо кутилмаганда ўйингоҳга Сергели туманидаги Амир Темур маҳалласи футболчилари келиб қолишди. Мусобақани тўхтатишга тўғри келди ва ўйингоҳ меҳмонлар ва Шайхонтоҳур туманининг бешта маҳалласидан тузилган терма жамоага бўшатиб берилди.

— Воқеанинг бундай ўзгариши тасодиф эмас, балки режаланган эди, — деди мактаб директори. — Бу ҳам Гигант Ғиёсов ғояси. У Сергели туманидаги ўз шогирдларини синамоқчи эди: шогирдлар эса ваъдаларига вафо қилишди.



Мусобақалар тобора авж ола бошлади. Спорт залида баскетболчи қизлар беллашувга киришдилар. Стол тенниси бўйича эса Муртазоев номли маҳалла ҳамда Оҳакчи маҳалласининг болалари куч синашишди. Бунда уларга Ҳувайдо маҳалласидан келган ота-оналар ҳакамлик қилдилар. Дарвоқе, ҳакамлар ҳақида. 169-мактабда спортнинг бир қанча йўналишлари бўйича махсус синфлар мавжуд. Уларни тугаллаган болаларга етуклик шаҳодатномасидан ташқари спорт устаси ёки спорт усталигига номзод унвонлари берилади, айримларига ҳатто ҳакамлик даражаси гувоҳномаси билан тақдим этилади. Ушбу синфларни тугатганлар имтиёзли равишда ўқишни спорт коллежларида давом эттиришлари мумкин.

— Ўйлайманки, ушбу тадбир болаларда ҳаёт нафақат яхши кунлардан, балки оғир синовлардан ҳам иборат эканлигига ишонч ҳосил қилдиради, — деди туман халқ таълими бўлими мудири Р. Усмонбеков. — Шунинг учун биз ёш авлодни маънавияти бой, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш жараёнида уларга ҳаётда ўз йўлларини тўғри топиб олишларига кўмаклашишимиз даркор. Ёзги таътил давомида тумандаги 186-, 115-, 299-мактаблар ҳамда 1-ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида спорт-соғломлаштириш лагерлари ташкил этилади. Бундан ташқари ёз давомида ҳар бир мактабда шанба ва якшанба кунлари лагерларга бормаган болалар учун спорт майдончалари ишлайди.





Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни байрами арафасида туман халқ таълими бўлими, маданият бўлими ва спорт бўлими, Қизил Ярим Ой жамияти, ХДП ташаббуси билан «Исломобод» маҳалла марказида кам таъминланган оилалардан бўлган ва етим болаларнинг 150 тасига байрамона дастурхон ёзилди. Бундан ташқари Ҳамза номли ўзбек давлат академик театрда мактабгача тарбия муассасаларидан 200 та кичкинтой иштирокида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» тадбири бўлиб ўтди.

— Бундай тадбирлар ҳар қандай кишини хурсанд қилади деб ўйлайман, — деди шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев. — Шайхонтоҳур тумани азалдан бундай кенг қамровли тадбирларнинг дарғаси бўлиб келган. Айниқса спорт мусобақалари туман учун асосий саналган. Спорт эса соғломлик, баҳслашув, ғолиблар дегани. Гарчи ғалабага интилиш туйғуси ҳар бир болада бўлса-да, улар учун мағлублик йўқ. Бунда асосий мақсад ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришдир.

*Эльмира ЗАЙНУТДИНОВА.*

*СУРАТЛАРДА: спорт мусобақаларидан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

Табассум

## ПИЁДА ЮРИНГ...

Поликлиникада беморни кўрган врач айтди:

— Мен ёзиб берган бу дориларни ичишдан ташқари, кунига ўн-ўн беш километр пиёда юринг, бу соғлиққа жуда фойдали.

Хонадан чиқиб кетмоқчи бўлиб турган беморни врач тўхтатиб сўрабди:

— Айтгандек, касбингиз нима эди?

— Почтальон, — деб жавоб берибди бемор.

## «ҚЎРҚМАС» ОТА

Ота дам олиш куни икки ўғлини ва кичик қизчасини ҳайвонот боғига олиб борибди. Ҳар хил ҳайвонларни кўздан кечириб юриб, катта ўғли Ғайратжон дадасидан сўрабди:

— Дада, сиз анави филдан қўрқмайсизми?

— Йўқ, албатта. Мен уни кўтариб ағдариб ташлайман.

Бироздан сўнг кичик ўғли Шерзод сўрабди:

— Дадажон, сиз бу арслондан ҳам қўрқмайсизми?

— Бу арслонни бир уриб ўлдириб қўяман.

Шунда жажжи қиз Нигора:

— Дада, дада, ойимладан ҳам қўрқмайсизми? — дебди.

Ота у ёқ, бу ёққа аланглаб қарабди-да, секингина:

— Йўқ, — деб жавоб берибди.

## МОНТЁР «ОЁҒИ»

Уйда чироқ ўчиб қолди. Монтёр қўшнимни чақириб келай, деб кўчага чиқсам, у уйига келаётган экан, аҳволни тушунтирган эдим, у албатта симёғочга чиқиш керак, деб ўйлаб кўчада ўйнаб юрган болага деди.

— Исмоилжон, бизникига кириб кеннойингдан менинг «оёғим»ни олиб чиққин.

Бола ҳайрон бўлиб сўради:

— Баҳодир ака, оёғингиз ўзингизда бўлмаса қандай қилиб юрибсиз?

## «ИСТАК»

Эрталабки нонушта пайтида опасининг чой билан асал еяётганини кўрган Нигора ойисига айтди:

— Мен ҳам асал ейман.

Онаси жавоб берди:

— Опангнинг қорни оғрияпти.

Эртасига эрталаб Нигора онасига:

— Ойи, ойи, менинг ҳам опамга ўхшаб қорним оғрияпти, — деди.

## ЖАВОБ

Кунлардан бир куни дадаси қизини чақириб дебди:

— Нигора қизим, сен энди катта бўлиб қолдинг, ойингларга ёрдам бергин. Ҳовлига сув сеп, уни супур.

— Дада, биз ойимла билан ишларни бўлиб олганмиз. Ҳовлини улар, уйни эса мен супураман. Чунки ҳовлига қараганда уй кичикроқда, ахир ўзингиз айтинг, ойимларга қараганда мен кичикман-да.

*Жалолиддин РАҲИМОВ.*

**Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ**

Пазандалик

# ҚУЛУПНАЙ МУРАББОСИ

Табиатдан инъом этилган, севиб истеъмол қилинадиган меваларимиздан бири қулупнайдир. Айни шу кунларда унинг ғарқ пишган даври. Уни кўп сақлаб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шунинг учун қулупнай мураббосини қилиб олишга шошилинг, тез кунда унинг вақти тугайди.

Мураббо учун қулупнайнинг майдароғи бўлгани маъқул. Уни аввал хас-чўпдан тозалаб, бандчаларини узиб ташлайсиз, илиқ сувда яхшилаб ювиб, сувини сирқитганингиздан сўнг қайнатишга мўлжалланган тоғорага солиб, устига меъёрдаги шакарнинг ярмини сепиб 5-6 соат салқин жойга олиб қўясиз. Бу вақтда қулупнайнинг шарбати ажрайди, шу шарбатни мураббо қозонига қуйиб қолган шакарни қўшиб қиём қайнатасиз, қайнаган қиём устига қулупнайларни солиб пастроқ оловда қайнатасиз. Қайнаш жараёнида ҳосил бўлган кўпигини олиб турасиз.

Агар қулупнайлар қиёмнинг юзида қалқимасдан ичида бир текис тарқалиб-сочилиб турса, демак пишганлигидан далолатдир. Унинг ҳиди хушбўй бўлади, янада хушбўй бўлишини истасангиз оловдан олгач пича ванилин қўшиб аста-секин аралаштирасиз. Тайёр бўлган мураббони иссиқлик вақтида шиша банкаларга қуйиб, металл қопқоқчалар билан ёпиб қўясиз.

Мураббо учун: 1 килограмм қулупнай олсангиз 1 килограмм шакар, 1/2 стакан сув, пичоқ учида ванилин керак бўлади. Қулупнайни қанча кўп олсангиз бошқа ишлатиладиган нарсалар ҳам шунга яраша кўпайтирилади.

*Гулнора ДАМИНОВА тайёрлади.*

Маслаҳатлар

# САБЗИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Сабзи — инсон организми учун жуда фойдалидир. Унинг таркибидаги моддалар кўзнинг равшанлашишига, тишнинг мустаҳкам бўлишига катта ёрдам беради. Агар имконияти бўлса ҳар куни кечки овқатдан сўнг бир дона сабзи еб ётиш кони фойда. Бу тиббиётда ҳам тасдиқланган.

Гоҳо қуруқ сабзини еявериш меъдага тегиши мумкин. Бундай вақтда қуйидаги салатлардан аралаштириб еб туриш керак.

● САБЗИ ВА ЛИМОНЛИ САЛАТ. 1 килограмм сабзи, 1 дона пиёз, 5 ош қошиқ ўсимлик ёғи, 1 та лимоннинг шарбати, 3 қошиқ сметана, таъмига қараб туз.

Бу салатни тайёрлаш учун йирик ва қип-қизил сабзилар танлаб олинади, тозаланади, ювилади ва йирик тишли қирғичдан ўтказилади. Пиёз эса майдалаб тўғралиб, сабзи билан аралаштирилади. Сўнг устига аввал ўсимлик мойи, лимон шарбати ва сметана қуйилади. Тайёр бўлган салат идишларга солиниб ейиш ёки дастурхонга тортиш олдидан яна бироз сметана қуйиб юборилса таъми янада хушхўр бўлади.

● САБЗИ ВА БОДРИНГЛИ САЛАТ. 3—4 дона сабзи, 3 дона бодринг, тўғралган 3 қошиқ укроп, ярим стакан сметана, таъмига қараб туз ва шакар. Тозаланган сабзи йирик тишли қирғичдан ўтказилади, бодрингни пўсти арчилиб, тўртга бўлиниб майдалаб тўғралади. Қирғичдан чиққан сабзи, тўғралган бодринг, укроп, сметана, таъмига қараб туз ва шакар солиниб аралаштирилади. Тайёр бўлган салатни идишларга солиб еявериш мумкин.

Бу салатларни узлуксиз қилиб еб турилса, улар таркибидаги моддалар нафақат кўз ёки тиш учун, балки бошқа аъзоларга ҳам жуда фойдалидир. Асосийси бу маҳсулотларнинг барчаси бизнинг юртимизда йил бўйи мавжуд.

*Гулбаҳор МЎМИНОВА.*

Ножўя иш — келтирар ташвиш

# ВАСИҚАСИЗ ОЛТИНФУРУШЛАР

***Шаҳримизнинг А. Толстой, А. Тўқай кўчалари туташган қисми қаршисидаги кенг пиёдалар йўлкасида «Хуфиёна бозор» пайдо бўлганлиги сир эмас. Бу ерда ҳар куни турли миллатларга мансуб олтинфурушлар ҳар хил сабабларга кўра шу бозорга ташриф буюрган шахслардан арзон баҳоларда зебу зийнат олтин заргарлик буюмларини «қўлбола» тарозуларда тортиб сотиб оладилар. Кейин эса уларни бир неча баробар қимматга пуллайдилар.***

Кузатиш натижасида ҳар куни бу ерда ўрта ҳисобда 100-200 дона олтин буюмларининг (4-5 соат давомида) қўлдан қўлга ўтиб сотилиши аниқланди. Чунончи, шу йилнинг 20 март куни 120, 30 март куни 180 ва 10 апрель куни 200 дан зиёд заргарлик маҳсулотлари сотилиб «бор-барака» бўлганлиги аниқланди. Кўча бозорининг иккинчи хил фаолият йўналиши ҳам мавжуд. Бу даргоҳда лўли миллатига мансуб олтинфурушлар ҳам мавжуд. Улар турли йўллар билан харид қилган олтин буюмларини ўз миллатларига мансуб уддабурон «марказ» вакилига топширадилар. Вакил эса маҳаллий аҳолидан арзон баҳоларда сотиб олинган қимматбаҳо маъдан буюмларни четга — Россия ёки Молдовага — «хўжайин» ихтиёрига жўнатади. Шу йўсинда халқимиз бойлиги бўлган олтин буюмлар четга чиқиб кетмоқда. Кўча «бозори» фаолиятидаги учинчи йўналиш эса энг хавфлиси бўлиб, ўғирланган буюмларнинг шу ерда пулланишидир. Фуқароларимизнинг уйларидан ўғирланган, зўрлигу босқинчилик билан тортиб олинган заргарлик тақинчоқлар ўғирликни содир этган жиноятчи шахслар томонидан олтинфурушларга арзон баҳоларда сотилади.

...1997 йилнинг ноябрь ойида пойтахтимиздаги Батуми даҳасида пенсионер фуқаро Александра Попованинг уйидан 1000 доллар қийматдаги олтин заргарлик буюмлари ўғирланган эди. Жабр кўрган мулк эгаси дарҳол Юнусобод туман Ички ишлар бошқармасининг жиноят-қидирув бўлимига ариза билан мурожаат этади. Милициянинг икки ярим ойлик синчковлик билан ўтказган қидирув натижасида шубҳа аёлнинг қўшниси — ҳеч қаерда ишламайдиган, муқаддам судланиб жазосини ўтаб чиққан 23 ёшли Темур Усольцевга тушади. У терговга олиниб сўроқ қилинганида Попованинг олтин буюмларини ҳақиқатан ўғирлаб «Хуфиёна бозор»да лўли аёлга сотганлигини айтади. Тергов гуруҳи Усольцевга олтинфуруш лўли аёлларнинг суратларини кўрсатганда ўғри ўғирланган тақинчоқларни сотиб олган Нина Аглини таниб қолиб кўрсатади. Шундан сўнг ўғирланган заргарлик буюмларини арзон олиб бир неча баробар қимматга сотиб юрган Н. Агли қўлга олинади. Тергов жараёнида бу аёл ўз қилмишига тўла иқрор бўлган. Шу йил январь ойида жиноят содир этган олтинфуруш аёл Юнусобод туман судининг ҳукми билан ўз «насиба»сини олди. Юқоридаги жиноятларни очишда туман Ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бўлимининг тажрибали ходимлари — милиция зобитларидан Ш. Абдужабборов, И. Нурматов, А. Маҳмудовлар алоҳида хизмат кўрсатдилар. Шу туман Ички ишлар бошқармаси (бошлиғи милиция полковниги А. Ҳайдаров) номига Барнаул даҳасида яшовчи фуқаро Любовь Даврановадан келган мактубда шу йил 17 март куни унинг уйидан олтин заргарлик буюмлари ўғирланганлиги маълум қилинган эди. Милициянинг олиб борган изланишларидан кейин ўғирлик учун муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган Виталий П. сўроққа олиниб текширилганида, Виталий Даврановaнинг уй деразасини бузиб кириб олтин буюмларни ўғирлаганини ва уларни «Олой»даги кўча бозорида ўзига нотаниш бўлган саёқ лўли аёлига 54 минг сўмга сотганлигини тан олади. Ҳозир бу жиноий иш юзасидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда. Яна шу фактни алоҳида таъкидлаш лозимки, олтин буюмлар ва чет эл валютасини олиб сотаётганларнинг барчаси ёш, забардаст аёл ва эркаклар бўлиб, уларнинг кўпчилиги ҳеч қаерда ишламайди. Бу саёқ «гастрол»чи олтинфурушлардан айримлари Ўзбекистон фуқароси паспортига ҳам эга эмаслар, паспорт, кириш-чиқиш қайди тартиб-қоидаларини қўпол бузиб, хонадонларда ижарага яшайдилар.

Халқ бойлигининг ҳаром қўлларга тушиб юртимиздан четга чиқиб кетишининг турли ноқонуний йўлларига тўсиқ қўйиш мақсадида «Олой» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти ҳудудида мутасадди ташкилотлар аҳолидан заргарлик буюмларини қонуний асосда нақд пулга сотиб олиш хизматини ташкил этсалар айни муддао бўларди.

*Малик НУРИДДИНОВ.*


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР




**ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!**

**«Сувсоз» трестига қарашли ичимлик суви-оқава сувлар қудуқларига бегона шахсларнинг тушиши қатъиян ман этилади!**

**ОГОҲЛАНТИРАМИЗ!**

**Қудуқларда ҳаёт учун хавфли бўлган заҳарли газлар бор!**

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!**

Сизларни Мирзо Улуғбек тумани меҳнат биржаси қуйидаги мутахассисликлар бўйича

**ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:**

| | |
|---|---|
| — электрчи | — 4250 сўм |
| — дурадгор | — 4000 сўм |
| — пайвандчи | — 3072 сўм |
| — газ-электр пайвандчи | — 3861 сўм |
| — Техника муҳандиси | — 4101 сўм. |
| — электр муҳандиси | — 4664 сўм. |
| — чилангар-йиғувчи | — 3500 сўм |

Бундан ташқари мутахассислиги йўқ фуқароларни меҳнат биржаси бепул ўқишга ҳам юборади.

***Мурожаат учун манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Гоголь кўчаси, 38-уй. Тел: 133-37-23.***

Собир Раҳимов туманидаги «Собир Раҳимов» савдо ишлаб чиқариш акционерлик жамияти 1998 йил 27 майидан бошлаб «Собир Раҳимов» савдо масъулияти чекланган жамиятга айлантирилганини маълум қилади.


Тошкент шаҳар прокуратураси раҳбарияти ва барча ходимлари Тошкент шаҳар Чилонзор тумани прокурорининг катта ёрдамчиси Моиля Раҳматовна Пўлатовага онаси **Назира ПЎЛАТОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Тошкент оқшоми — Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-085. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6. ❖ Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.